



**TASHKENT STATE
UNIVERSITY OF ECONOMICS**

VOLUME 7 / 2024

LABOR ECONOMICS

MEHNAT IQTISODIYOTI VA INSON KAPITALI

ilmiy elektron jurnali

**LABOUR ECONOMICS AND
HUMAN CAPITAL**

scientific electronic journal

2024 yil 1-son

Volume 7, Issue 1, 2024



**МЕХНАТ ИҚТISODIYOTI
VA INSON KAPITALI**
ISSN: 3030-3117



LABORECONOMICS.UZ

МЕХНАТ ИҚТISODIYOTI VA INSON KAPITALI

№ 1-2024

**ЭКОНОМИКА ТРУДА И ЧЕЛОВЕЧЕСКИЙ
КАПИТАЛ**

LABOR ECONOMICS AND HUMAN CAPITAL

“Mehnat iqtisodiyoti va inson kapitali” ilmiy elektron jurnali O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasi (OAK) rayosatining 2023-yil 3-iyundagi 328/3-sonli qarori bilan ro‘yxatga olingan.

Muassis: “Mehnat iqtisodiyoti va inson kapitali” ilmiy maktabi.

Tahririyat manzili:

100066, Toshkent shahri, Islom Karimov ko‘chasi,
49 uy

Elektron manzil: ilmiymaktab@gmail.com

Jurnal web-sayti: www.laboreconomics.uz

Bog‘lanish uchun telefonlar:

+998998818698

Tahririyat Kengashi raisi:

(Chairman of the Editorial Board)

Abduraxmanov Qalandar Xodjayevich, O'zFA akademigi

Tahririyat Kengashi a'zolari:

(Members of the Editorial Board)

Toshqulov Abduqodir Hamidovich, i.f.d., prof.
Yusupov Axmadbek Tadjiyevich, i.f.d., prof.
Sharipov Kongratboy Avezimbetovich, t.f.d., prof
Raifkov Kudratilla Mirsagatovich, i.f.d., prof
Xalmuradov Rustam Ibragimovich, i.f.d., prof
Umurzakov Baxodir Xamidovich, i.f.d., prof.
Nazarov Sharofiddin Xakimovich, i.f.d., prof.
Jumayev Nodir Xasiyatovich, i.f.d, prof.
Abduraxmanova Gulnora Kalandarovna, i.f.d., prof.
Eshov Mansur Po'latovich, i.f.d., prof.
Zokirova Nodira Kalandarovna, i.f.d., prof.
Xudoyberdiyev Zayniddin Yavkachevich, i.f.d., prof.
Muxiddinov Erkin Madorbekovich, i.f.f.d., (PhD)
Xolmuxammedov Muhsinjon Murodullayevich, i.f.n., dots.
Amirov Lochinbek Fayzullayevich, i.f.f.d., (PhD), dots.
G'oyipnazarov Sanjar Baxodirovich, i.f.f.d., (PhD), dots.
Shakarov Zafar Gafarovich, i.f.f.d., (PhD)

Jamoatchilik Kengashi a'zolari:

(Community Council members)

Bred Bodenxauzen (AQSh)
Jon Ankor (Buyuk Britaniya)
Odegov Yuriy Gennadevich (Rossiya Federasiyasi)
Keynz Miller (AQSh)
Sung Dong Ki (Koreya Respublikasi)
Masato Xivatari (Yaponiya)
Gerxard Feldmayer (Germaniya)
Eko Shri Margianti (Indoneziya)
Ahmed Mohamed Aziz Ismoil (Misr)
Rohana Ngah (Malayziya)
Sharifah Zanniyerah (Malayziya)
Teguh Dartanto (Indoneziya)
Nur Azlinna (Saudiya Arabistoni)
Muhammed Xoliq (Pokiston)
Alisher Dedaxonov (Toshkent)

Mas'ul muxarrir (Editor-in-Chief): G'oyipnazarov Sanjar Baxodirovich

Veb-administrator (Web admin): Musayev Xurshid Sharifjonovich

MUNDARIJA (CONTENTS)**MEHNAT BOZORI VA MEHNAT MUNOSABATLARI**

G.K.Abduraxmanova S.B.G'oyipnazarov S.P.Qurbonov	<i>Mamlakat aholisini unumli bandlik darajasini oshirish mexanizmini takomillashtirish</i>	7-18
B.E.Mamaraximov	<i>Ishchi kuchini takror ishlab chiqarish yoshlar bandligini ta'minlash omili sifatida</i>	19-25
A.A.Yadgarov	<i>Agrar tarmoqni sufgurtalashda mалаkali кадрлар тайёрлаш ҳолати ва ривожлантириш истиқболлари</i>	26-32
S.P.Qurbonov	<i>O'zini o'zi band qilishda zaif bandlikdan unumli bandlik sari transformatsion jarayonlar</i>	33-45
N.R.Saidov	<i>Yangi ish o'rinlarini tashkil etishga investisiyalar ta'sirini ekonometrik tahlili</i>	46-56
F.O'.Masharipov	<i>Meʼnat bozorida хусусий сектор эҳтиёжи асосида ўрта бўғин кадрларини тайёрлаш: муаммолар ва ечимлар</i>	57-70
S.M.Kurbanbayeva	<i>Квалификационные рамки в современном образовании и рынке труда</i>	71-80
I.X.Xuvaydullayeva	<i>Миллий меҳнат бозорида инсон ресурсларидан самарали фойдаланишни имкониятлари</i>	81-90
G.R.Kuziyeva	<i>O'zbekistonda raqamlashtirish va ta'lim orqali mehnat unumdorligini oshirishning miqdoriy tahlili</i>	91-101

INSON KAPITALI

A.B.Irmatova A.M.Saidahmadov	<i>Raqamli iqtisodiyotda inson kapitalini rivojlantirishda o'qitish tizimi</i>	102-117
S.M.Dusanov	<i>Таълим тизимида молиявий ресурслар самарадорлигини оширишнинг ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш имкониятлари</i>	118-134
I.I.Ergashev	<i>Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш услубиёти</i>	135-145
Sh.A.Xodjayeva	<i>Основы формирования и функционирования маркетинговой деятельности высших образовательных учреждений</i>	146-159

M.R.Babadjanova	<i>Иқтисодий категория сифатида инсон капиталининг моҳияти ва унда таълимни ўрни</i>	160-172
D.B.G'aniyeva	<i>Ходимларни ўқитиш ва ривожлантиришнинг дастурларининг самарадорлигини баҳолаш муаммолари</i>	173-184
INSON TARAQQIYOTI		
D.I.Iskandarova	<i>O'zbekistonda aholi daromadlari va unga ta'sir etuvchi omillar tahlili</i>	185-194
KAMBAG'ALLIKNI QISQARTIRISH		
M.X.Fayziyeva	<i>Kambag'allikni qisqartirishga raqamli texnologiyalarning ta'siri</i>	195-210
INSON RESURSLARINI BOSHQARISH		
M.Sh.Xaydarova	<i>Использование автоматизации и искусственного интеллекта в управлении человеческими ресурсами: тренды и ожидания</i>	211-221
M.M.Xolmatov	<i>Inson resurslarini samarali boshqaruvida inson kapitalini rivojlantirish</i>	222-232
G.Q.Mo'ydinova	<i>O'zbekistonda to'qimachilik korxonalarining rivojlanish holati va ularda xodimlarni boshqarish tendensiyalari tahlili</i>	233-238
O.I.Rasuljonov	<i>KPI – xodimlar faoliyati samaradorligini baholashning zamonaviy tizimi</i>	239-246
TADBIRKORLIKNI RIVOJLANTIRISH		
S.U.Ismailova D.U.Adilova	<i>Теоритические основы развития стратегии цифрового маркетинга на рынке сферы услуг и туризма</i>	247-254
Z.M.Jabborova	<i>Jizzax viloyatida kichik biznes va tadbirkorlikda mehnat munosabatlarining rivojlanishi holati</i>	255-263
S.S.Mamatqulov D.I.Iskandarova	<i>O'zbekistonda tadbirkorlikni innovatsion rivojlantirish asosida aholi farovonligini yuksaltirish yo'llari</i>	264-274
M.Sh.To'xtayeva	<i>Platformalarda informatsion xaritalar – aholi tadbirkorlik qobiliyatini rivojlantiruvchi vosita sifatida</i>	275-282
T.A.Urkinbayev	<i>Влияние реформ в сфере туризма на рост экономики Узбекистана и развитие предпринимательства</i>	283-292

D.A.Vahobov	<i>Кичик бизнес субъектлари фаолиятини инфратузилмавий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш</i>	293-305
Z.Dj.Adilova	<i>Factors and assessment methods in the development of HR branding: foreign experience</i>	306-314
GENDER TENGLIK		
O.U.Oxunova	<i>O'zbekiston mehnat bozorida gender tengligi: muammolar va islohotlar</i>	315-324



MEHNAT IQTISODIYOTI VA INSON KAPITALI

ISSN: 3030-3117

<https://laboreconomics.uz/>



ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ РИВОЖЛАНГАН ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИДАН ФЙДАЛАНИШ ИМКОНИАТЛАРИ

Дусанов Салим Мамарасулович

иқтисодиёт фанлари фалсафа доктори, PhD

Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Мустақил тадқиқотчи

msalimd@mail.ru

DOI: https://doi.org/10.55439/LEHC/vol2_iss1/a64

Аннотация. Мақолада олий таълим тизимида молиялаштириш хориж тажрибаси, муаммолари ҳамда унинг аҳамияти кўрсатиб ўтилган. Олий таълим муассасаларида таълим сифатида оширишда молиявий ресурсларнинг аҳамияти ва уни тасарруф этиш юзасидан таҳлилий ёндашувлариназарий жиҳатдан урганган ҳамда тегишли хулосалар берилган. Жараённинг ўзига хос жиҳатлари маълумотлар асосида таҳлил қилиниб, мавжуд муаммолар, истиқболлари ва эришилган ютуқлар атрофича кўрсатилди. Шу асосда илмий хулоса ва амалий таклифлар ўртага ташланди.

Калит сўзлар: Таълим тизими, молиялаштириш, молиялаштиришнинг ҳолати, муаммолари ва прогнозлари, таълим сифатини бошқариш, олий таълим муассасаларини самарали бошқариш, рейтинг, молиявий барқарорлик, тўлов-қабилляти, рентабеллик.

ВОЗМОЖНОСТИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ОПЫТА РАЗВИТЫХ ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН ДЛЯ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ФИНАНСОВЫХ РЕСУРСОВ В СИСТЕМЕ ОБРАЗОВАНИЯ

Дусанов Салим Мамарасулович

PhD, Международная исламская академия Узбекистана

Аннотация. В статье показан зарубежный опыт, проблемы и его значение финансирования в системе высшего образования. В высших учебных заведениях теоретически изучено значение финансовых ресурсов и их распоряжения в сфере высшего образования и сделаны соответствующие выводы. На основе данных были проанализированы конкретные аспекты процесса, подробно показаны существующие проблемы, перспективы и достижения. На основании этого были сделаны научный вывод и практические предложения.

Ключевые слова: Система образования, финансирование, состояние финансирования, проблемы и прогнозы, управление качеством образования, эффективное управление вузами, рейтинг, финансовая устойчивость, платежеспособность, рентабельность.

POSSIBILITY OF USING THE EXPERIENCE OF DEVELOPED FOREIGN COUNTRIES TO IMPROVE THE EFFICIENCY OF USE OF FINANCIAL RESOURCES IN THE EDUCATION SYSTEM

Dusanov Salim Mamarasulovich

PhD, International Islamic Academy of Uzbekistan

Abstract. The article shows foreign experience, problems and its importance of financing in the higher education system. In higher education institutions, the importance of financial resources and their disposal in the field of higher education has been theoretically studied and appropriate conclusions have been drawn. Based on the data, specific aspects of the process were analyzed, existing problems, prospects and achievements were shown in detail. Based on this, scientific conclusions and practical proposals were made.

Key words: Education system, financing, state of financing, problems and forecasts, quality management of education, effective management of universities, rating, financial stability, solvency, profitability

Кириш

XX аср интиҳоси ва XXI аср ибтидосида турли мамлакатларда таълимни, хусусан, давлат таълим тизимини молиялаштириш механизмларида сезиларли ўзгаришлар юз берди. Бу таълим тизимида талабалар, ўқувчилар сонининг кескин ортиши ва бюджет маблағларининг чекланганли билан боғлиқ бўлиб, давлат (бюджет) маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳамда бюджетдан ташқари маблағлар манбаларини девирсификация қилишни талаб этади. Тизимни молиялаштириш шакллари ва механизмларининг ўзгаришига индивидуал таълим дастурларини шакллантириш, уларнинг мазмуни, муддати ва шакллари бўйича диверсификация қилиш зарурати таълимнинг моҳияти ва мазмунининг ўзгаришига таъсир қилди. Мазкур ўзгаришлар ва тенденциялар кўплаб давлатлар учун ўзига хос аҳамият касб этади.

Мавзуга доир адабиётлар таҳлили

Таълим тизимида молиявий ресурслардан фойдаланишнинг назарий асосларини такомиллаштириш тизимдаги мавжуд ҳолатни баҳолаш имкони яратилишини кўрсатмоқда. Бу борада дастлаб ривожланган мамлакатларда тадқиқотлар амалга оширилган бўлиб, хусусан, хорижлик олимлардан Т.Малтус таълимни аҳоли сони кўпайиши қонунлари билан боғлайди, Ж.Айт ишлаб чиқариш омиллари унумдорлиги билан, Ж.Кулоч ишлаб чиқариш ва истеъмол назарияси орқали, Ж.Милл таълимни меҳнат тақсимотининг деструктив жараёни туфайли ишчиларнинг таназзулга давоси сифатида кўриб чиқади²⁹. Шунингдек, А.Смит, Д.Рикардо, А.Маршалл, Дж.Милл, Э.Хекшер, Б.Олин, Г.Хаберлер, Д.Салваторе, Ж.Вайнер, Ж.Тинберген, Б.Балаша, Ж.Мед, Л.Сфу, С.Фан, Л.Чжоу, В.М.Баутин, И.Н.Буздалов, А.Данкевич, Х.Жонсон,

²⁹ Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – М.: Соцэкгиз, 1962. с. 332., Рикардо Д. Начало политической экономии и налогового обложения. –М.: Прогресс, 1993. с. 292.,

Р.Липсей³⁰ каби олимлар томонидан амалга оширилган изланишларда таълим тизимида молиявий ислоҳотлар, инсон капиталига таълимнинг таъсири, таълим иқтисодиётининг вужудга келиши, босқичлари ва хусусиятлари, шарт-шароитлари, ривожланиши, миллий иқтисодиёт учун самараси ва услубий жиҳатлари асослаб берилган.

Иқтисодчи олимларнинг асарларида таълим тизимини молиялаштириш, молиявий ресурслар самарадорлиги, инсон капитали тушунчаси ва унинг методологияси ва устувор йўналишлари ишлаб чиқилган. Ўтган асрнинг 20-йилларида академик С.Г.Струмилин биринчилардан бўлиб ўз тадқиқотларида “...таълим омили туфайли миллий даромаднинг ўсишини ҳисоблаш таклифини берган, бу эса ўз навбатида таълимга йўналтирилган инвестицияларнинг самарадорлиги тўғрисида гапиришга имкон беради”³¹.

Миллий иқтисодий самарадорликни баҳолашнинг корреляцион ёндошувлари АҚШлик иқтисодчи олимларга ҳам хос бўлиб, жумладан, Эдвард Ф.Денисон таълимнинг ишчи кучи сифатида намоён бўлган иқтисодий аҳамияти ғоясини илгари сурган³².

Сўнгги йилларда олий таълим сифати, унда мавжуд молиявий ресурслар самарадорлиги муаммоси жуда жадал равишда ривожланмоқда, чунки бу меҳнат бозори салоҳиятини оширишнинг асосий манбаларидан бири сифатида иқтисодиётни ва таълим тизимини ислоҳ қилиш жараёнига боғлиқдир. Таълим самарадорлигининг услубий ёндашувлари бўйича россиялик иқтисодчи олимлардан В.Антропов, А.Дайновский, В.Жамин, В.Зуев, С.Костанян, В.Клочков, Е.Липкина ва америкалик иқтисодчи олимлар Э.Денисон, Ф.Шулс ва бошқаларнинг ишларида тўхталиб ўтилган [6].

Сўнгги йилларда республикамізда бозор муносабатлари шароитида таълим хизматларини бошқариш, соҳада маркетинг тадқиқотлари каби йўналишларда муносиб илмий изланишлар олиб борган муаллифлар сифатида С.С.Ғуломов, Қ.Х.Абдурахмонов, Б.Ю.Ҳодиев, А.Ш.Бекмуродов, М.Х.Саидов, У.А.Бурханов, С.А.Абдуллаев, Р.Р.Хасанов, С.М.Бузрукхонов, А.В.Ваҳабов, Т.С.Маликов, Н.Х.Ҳайдаров, Д.Ҳ.Набиев, О.О.Олимжонов, З.Қўзиев, Д.Сагдуллаев, А.Маҳмудов, Х.Режапов, А.Шеров, С.Бузрукхонов ва бошқаларни³³ кўрсатиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда ўрганилаётган муаммо юзасидан чоп этилган илмий тадқиқотлар, бажарилган докторлик ва номзодлик

³⁰ С.Г.Струмилин. Методология оценки и повышения эффективности государственной системы высшего профессионального образования: Автореф. дис. докт.экон. наук (08.00.05). — СПб., 2002. — 41 с.

³¹ К.В.Якушева Методические рекомендации по расчету нормативов бюджетного финансирования образовательных учреждений. — М.: Новая школа, 1995. —64 с, Система финансирования образования: анализ эффективности / Под ред. С.А. Белякова. — М.: Технопечать, 2003. — 182

³² Домбровский Р.Л. Организация управления функционированием и развитием сложных экономико-производственных объектов : дис. ... докт. экон. наук. - Львов, 1992. - 298 с.

³³ “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ 5847-сон фармонида.

диссертациялари, асосан, менежмент ва маркетинг ихтисослиги бўйича бўлиб, мавзунинг назарий-услубий жиҳатлари умумлаштирилган ва ривожланиш қонуниятлари таҳлил қилинган илмий ишлар деярли йўқ. Натижада таълим тизими ва ундаги молиявий ресурсларнинг самарадорлигини оширишнинг назарий жиҳатлари тадқиқ этилиши, уни диверсификациялаш, соҳада рақобат муҳити шарт-шароитларини янада кучайтириш, самарадорлигини аниқлашнинг илмий-услубий жиҳатларини ўрганиш масалалари долзарблигича қолмоқда. Айниқса, масалага миллий иқтисодиёт нуқтайи назаридан, талаба ва аҳоли кенг қатламлари ҳамда минтақавий нуқтайи назаридан замонавий фундаментал-инновацион характердаги иқтисодий тадқиқотларни ташкил этишгача бўлган узлуксиз олий таълим тизими сифатида ёндашув амалга оширилмаган.

Бир қатор тадқиқотларда олий таълим муассасалари молиявий бошқарувига минтақавий иқтисодиёт ва тармоқ иқтисодиёти нуқтайи назаридан ёндашилган бўлиб, миллий иқтисодиётни модернизатсия қилиш шароитида олий таълим муассасаларининг маълум йўналишдаги молиявий ресурсларининг самарадорлиги таъсирлари, молиявий амалиётлар кўринишлари ва йўналишлари кўриб чиқилган, холос. Мазкур ишларда олий таълим тизимининг молиявий ресурслари мазмуни, вужудга келиш шароитлар, молиявий тузилиши асосланган. Шу билан бирга, иқтисодиётдаги инновацион ёндашув шароитида олий таълим тизимида молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг назарий асосларини такомиллаштирилиши ҳамда назарий жиҳатдан янада кенгроқ ўрганилиши мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот олиб бориш давомида монографик таҳлил ҳамда эксперт ва тизимли таҳлил усулларида фойдаланган ҳолда олий таълим муассасаларининг молиявий мустақиллигининг аҳамияти ва молиявий ресурслар самарадорлигини ошириш усуллари такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрланди.

Таҳлил ва натижалар

Хусусан, таълим тизимини унинг босқичларидан келиб чиққан ҳолда гуруҳларга ажратган ҳолда кўриб чиқилса ҳамда уларнинг молиялаштириш механизмлари бўйича алоҳида фикр-мулоҳазалар юритиш мақсадга мувофиқ саналади. Чунки, таълимнинг босқичларини молиялаштириш дунё мамлакатларида ўзаро бир биридан фарқли жиҳатлари билан ажралиб туради. Жумладан, Олий таълим тизимини молиялаштиришда содир бўлаётган ўзгаришлар ва жараёнларни асосан тўрт модел билан тавсифлаш мумкин булади:

1. Эҳтиёжлар асосида молиялаштириш, бюджет маблағлари тўғридан-тўғри давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ОТМларга ажратилади. Мазкур модел асосида ОТМлар тегишли давлат ташкилотлари билан аввалдан келишилган нархлар асосида ижтимоий

эҳтиёжга эга мутахассисларни тайёрлаш мажбуриятини зиммасига олади. Ушбу моделнинг афзаллиги шундаки, у бир вақтнинг ўзида самарадорликни оширади ва давлат харажатларини минималлаштиради. Аммо бу ҳолатда, режалаштирилган кадрлар тайёрлашнинг меҳнат бозорининг реал эҳтиёжларига мувофиқлиги давлатнинг тегишли прогноз баҳоларининг аниқлик даражаси билан белгиланади.

2. Давлатлар томонидан маълум мақсадлар учун ОТМлардан таълим хизматларини харид қилиш амалиёти. Ушбу олий маълумотни молиялаштириш бевосита бозорга ёъналтирилган. ОТМлар мутахассисларни тайёрлаш учун давлат буюртмаларини олиш бўйича танловларда иштирок этади. Таълим хизматлари танлов шартларига (жамият эҳтиёжларига) энг мос келадиган ва ўқитиш харажатлари энг мақбул бўлган ОТМлар ғолиб топилади. Биринчи моделдан фарқ фақат ҳукумат топшириқларини тақсимлашнинг рақобатбардош тартибида ва таълимга давлат харажатларини камайтириш хусусиятида.

3. Ўз ишларининг натижаларига кўра ОТМларни молиялаштириш. Молиялаштириш ҳажми ОТМлар фаолиятининг асосий кўрсаткичлари, битирувчилар сони, биринчи курсга қабул қилинган талабалар сони, талабаларнинг билимини назорат қилиш натижалари, ўқитиладиган курсларнинг мураккаблиги, диссертациялар ҳимояси сони ва бошқаларга кўра амалга оширилади.

4. Молиялаштириш таълим хизматларининг бевосита истеъмолчилари томонидан амалга оширилади ва таълим муассасаси талаби ҳамда ички эҳтиёжларига ёъналтирилади. Ушбу молиялаштириш тизимида маълум кўпонлар ёки сертификатлар (ваучерлар) шаклида тўғридан-тўғри таълим хизматларини истеъмолчиларига етказадиган давлат мажбуриятлари қўлланилади. Талаба учун ягона муҳим чеклов берилган ваучернинг амал қилишидир. Бошқа молиялаштириш моделларида бўлгани каби, ваучер асосида молиялаштириш талабаларнинг қўшимча тўловлари билан тўлдирилиши мумкин. Айнан шу тўлов талабаларни кўрсатилаётган хизматлар сифатига нисбатан талабчан бўлишга олиб келади, шунинг учун бу комбинация энг самарали ҳисобланади.

Олий таълимни молиялаштиришнинг ваучер усули бугунги кунда ривожланган мамлакатларда кенг тарқалиб бормоқда.

Ҳозирги кунда ваучер молиялаштириш тизимини олий таълимда қўллашнинг иккита асосий ёндашуви мавжуд: либерал бозор ва ижтимоий сиёсат ёндашуви (social policy approach).

Бозорга асосланган либерал ёндашув қуйидагиларни назарда туттади:

1) таълим муассасаларида тўлов-контракт нархларини белгилайди. Бундан ташқари, улар давлат томонидан бериладиган ваучер қийматидан юқори бўлиши мумкин.

2) ваучернинг қиймати (молиявий ёрдам) бўйича фарқланиш мавжуд эмас.

3) ваучерлар қўлланиладиган таълим хизматларини ишлаб чиқарувчилар ушбу молиялаштириш тизимида маълум шартлар билан иштирок этишга розилик билдирган давлат ва нодавлат олий ўқув юртлари бўлиши мумкин.

4) олий ўқув юртлари потенциал талабаларни танлашда тўлиқ эркинликка эга.

Либерал бозор ёндашувини жорий қилишнинг бир қатор салбий оқибатлари маълум. Шу нуқтаи назардан ушбу оқибатларни юмшатиш мақсадида ҳукуматлар томонидан тартибга солиш чоралари кўрилиши мақсадга мувофиқ. Жумладан,

1. Таълим сифатини ошириш учун таълим хизматлари бозори ва ОТМлар ўртасида рақобат муҳити таъминланиши зарур. Бироқ давлат унинг самарали бўлиши учун бозорда рақобатни тартибга солиши керак.

Талаб таклифдан ошадиган ОТМларда барча жойларнинг камида ярми давлат томонидан ўрнатилган ва назорат қилинадиган махсус тартиб асосида ажратилиши керак.

Олий таълим тизимини молиялаштириш тажрибаси ва ўзига хос хусусиятлари хориж мамлакатларида турлича бўлиб, тўғридан-тўғри маҳсулдорлик коеффитсиентига (ўқув натижаларига) асосланган тадқиқотларни молиялаштириш фақат учта мамлакатда амалга оширилади. Булар Дания, Шветсия ва Голландия мамлакатлари бўлиб, буларда илмий даражалар ва уларнинг фаолияти ижобий баҳолаш асосида молиялаштирилади.

Европа мамлакатларида олий таълим тизимини молиялаштиришнинг муҳим хусусияти ёъналтирилаётган маблағлар ҳажмининг катталигидадир. XX асарнинг охирларида Европа мамлакатларида ЯИМга нисбатан ўртача харажатлар миқдори 22 фоизни ташкил этган. Ушбу кўрсаткич АҚШда 13 фоиз, Канадада ва Янги Зеландияда 15 фоиз ва Японияда 12 фоиз бўлган³⁴.

Европа Иттифоқида олий таълим тизимини молиялаштириш ва маълум функцияларни бажариш юзасидан олиб борилган жараёнларни тўртта моделга ажратиш мумкин.

³⁴ <https://rudocs.exdat.com/docs/index-245551>



1-расм. Европа Иттифоқи давлатларида таълим тизимини ташкил этиш ва функцияларни бажариш моделлари³⁵

1-расмда келтириб ўтилган моделларнинг алоҳида жиҳатларини тизимлаштирган ҳолда қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Бисмарк модели. Бу моделда, асосан, ижтимоий тўлов ҳажми ва меҳнат фаолиятининг давомийлиги билан узвий боғлиқлиги юзага чиқади. Ушбу модел кўпроқ Германия, Италия, Австрия, Франция ва Белгия каби давлатларда кенг қўлланилган.

Бисмарк модели дастлаб Германияда 1881 йилда канслер Отто фон Бисмарк томонидан амалиётга татбиқ этилган. Унда ижтимоий хизматларни мажбурий суғурта фонди маблағлари ҳисобидан молиялаштириш назарда тутилган.

Бевериж модели. Англиялик иқтисодчи олим У.Бевериж номи билан боғлиқ. 1942 йилда олимнинг “Ижтимоий суғурта ва иттифоқли хизматлар” асари асосида юзага келган. Мазкур моделни Буюк Британия, АҚШ, Канада, Швейсария ва Голландия каби мамлакатлар кенг қўллаган. Мазкур моделда давлатнинг уч даражали ижтимоий ҳимоя тизимини назарда тутди. Жумладан, умумий соғлиқни сақлаш тизими, турли даромадли оила фарзандларига тенг имкониятлар яратиш ва ишсизликни камайтиришга қаратилган жараёнларни ўз ичига қамраб олади. Ушбу моделда давлатнинг ролига алоҳида эътибор қаратилади.

Ижтимоий-демократик модел. Ушбу модел ижтимоий соҳа ривожини давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилишини назарда тутди. Моделнинг асосий жиҳати, давлат барча аҳоли қатламнинг ижтимоий ҳимоясини тўлиқ қафолатлайди. Мазкур

³⁵ Europäische Kommission Soziale Sicherheit in Europa/ -Luxemburg, 1995.Hanesch W. Soziale sicherung im europaeschen Vergleich//Aus Politik und Zeitgeschichte –Bd/34-35/98-S-3-10

модел Скандинавия, Шветсия ва Норвегия мамлакатларида кенг қўлланилади.

Жанубий Европа модели Италия, Испания, Гретсия ва Португалия мамлакатларида кенг тарқалган. Ўтиш иқтисодиётига эга бўлган мамлакатлар тажрибасида қўлланилган. Бу модел ижтимоий ҳимоянинг пастлиги билан ажралиб туради.

Кўпгина давлатларда давлат олий маълумот учун тўловларни жорий этган. Жумладан, Австралия, Австрия, Бразилия, Хитой, Венгрия, Кения, Янги Зеландия, Танзания ва Буюк Британия.

Ҳали ҳам “беул давлат олий таълими” тамойилига амал қиладиган мамлакатлар мавжуд бўлиб, жумладан Жанубий, Марказий ва Шарқий Европа, Африка ва Лотин Америкасидаги мамлакатларда сақлаб қолинган. Ушбу гуруҳга кирувчи мамлакатларга Дания, Финляндия, Норвегия ва Шветсия сингари Скандинавия мамлакатларини киритиш мумкин. Мазкур мамлакатларда пуллик таълим муаммоси учрамайди, чунки, бу ерда таълим миллат фаровонлигини ошириш пакетига киритилган, бунинг учун фуқаролар юқори солиқлар тўлайди. Олий таълимни молиялаштиришни ташкил қилишда турли мамлакатларнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Ушбу хусусиятлар одатда юқоридаги тўртта моделга мос келади.

Кўпгина хориж давлатларида олий таълимни кредитлаш тизими ёлга қўйилган, жумладан, Австралияда ривожланган таълимни кредитлаш тизимидан ташқари, молиялаштириш схемаси ҳам фаол амалга оширилади ва унинг асосий Кўрсаткичлари қуйидагилардан иборат:

- жой ва ўқув дастурларини мустақил равишда танлаган талабага ёналтириш. Олий таълимда тўлов-контракт нархи олий ўқув юртларининг ўзлари томонидан аниқ асосланган ҳисоб-китоблар асосида мустақил белгиланади (ҳам хусусий, ҳам давлат олий ўқув юртлари). Шунингдек, олий таълим муассасалари ўз талабалари учун тўлов нархи ва ваучернинг молиявий таркиби ўртасидаги фарқни қоплашда учун таълим кредитларини мустақил равишда танлайди ва бу мактаб битирувчилари ва биринчи марта олий ўқув юртига кирган талабаларга берилади;

- халқаро бозорда олий таълим тизимининг рақобатбардошлигини ошириш, ахборот технологияларини кенг жорий этиш ва инфратузилмасини ривожлантиришнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши: ушбу қўллаб-қувватлаш фақатгина талабаларни қўллаб-қувватлабгина қолмай, молиявий ресурслар орқали ҳам амалга оширилади;

- мамлакатдаги илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишларини тақсимлаш ва илмий фаолиятни мувофиқлаштиришни амалга ошириш. Талабаларни ўқитиш бўйича ҳукумат мажбуриятларини

молиялаштиришдан ташқари танлов асосида ОТМларда илмий тадқиқотларни молиялаштириш ҳам амалга оширилади.

Назарий жиҳатдан олий маълумот иш берувчилар томонидан касбий вазифаларни ўзлаштириш учун зарур бўлган дастлабки қадам сифатида кўриб чиқилади. Бу эса олий таълим тизимини доимий ислоҳ қилиш, мавжуд параметр ва стандартларни қайта кўриб чиқишни тақозо этади. Меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган малакали мутахассисларни тайёрлаш учун олий таълимни молиялаштириш масалаларини қайта кўриб чиқиш зарур.

Назарий жиҳатдан жаҳон амалиётида катта хилма-хилликларга қарамай олий таълимни натижаларга кўра, молиялаштиришнинг иккита асосий усулини ажратиб кўрсатиш мумкин: 1) доимий Кўрсаткичлар ва 2) маълум муддатга самарадорликни баҳолашга асосланган ҳолда тузилган шартномалар. Доимий Кўрсаткичлар тизими, ўз навбатида, яна икки турга бўлинади: бир ва бир нечта мезонли. Францияда олий таълимни молиялаштиришнинг 50 фоизи жон бошига тақсимланади (курс ва мутахассислик бўйича фарқланади). Маблағлар олий таълим муассасасига битта бюджет ёъналиши бўйича ўтказилади, бу эса маблағлардан фойдаланишнинг автономлигини таъминлайди. Бундай тизимдан фойдаланиш осон. Данияда 30-50 фоиз молиялаштириш имтиҳонлардан ўтган талабалар сонига қараб тақсимланади. Бизнингча бундай молиялаштириш усули таълим сифатини назорат қилишнинг самарали тизими мавжуд бўлганда мақсадга мувофиқдир.

Голландия университетлари битирувчилар сонига қараб 50% молиялаштирилади. Кучли тебранишларнинг олдини олиш учун молиялаштириш миқдори ўртача 2 йил давомида битирувчилар сонига қараб ҳисобланади.

Жанубий Африкада олий таълимга сарфланадиган харажатларнинг 89 фоизи бир нечта мезонларга асосланиб ажратилади. Таълим вазирлиги ҳар йили Кўрсаткичларни тузиш ва ушбу Кўрсаткичларнинг ҳар бири учун оғирликларни аниқлаш бўйича ёъриқномани нашр этади. Амалда ижобий натижалар ва кўрсаткичларга эришган олий таълим муассасалари, агар иш фаолиятини яхшилаш бўйича ҳаракатлар режаси мавжуд бўлса, ҳали ҳам маблағ олади, чунки давлат маблағларисиз бундай университетлар ёпилишга мажбур. Францияда 30% молиялаштириш давлат ва университетлар ўртасидаги шартномалар асосида берилади. Шартномалар Халқ таълими вазирлиги ва ҳар бир олий ўқув юрти ўртасидаги музокаралар асосида 4 йил муддатга алоҳида тузилади. Худди шу тартибда молиялаштириш Финляндияда 3 йил этиб белгиланган. Бизнингча мазкур тартибда олий таълим муассасаларини молиялаштиришда давлатнинг иқтисодий ривожланганлик даражасини ва амалда мавжуд инфляция даражасини инобатга олган ҳолда 1 йил этиб белгиланиши мақсадга мувофиқ.

Сўнгги йилларда талабаларни қўллаб-қувватлашни академик натижалар билан боғлаш кузатилмоқда. Аммо бунда талабларнинг билим ва салоҳият даражасининг ҳар хиллигини инобатга олиш қийин. Масалан, Буюк Британия ёки Данияда талабалардан ўқишда фаол бўлишлари талаб этилади. Норвегияда имтиҳонлар режага мувофиқ талаб қилинади. Швецияда талабалар белгиланган вақт ичида курс имтиҳонларини топширишлари керак. Голландияда 1996-йилдан бери асосий грантлар ўрнига самарадорлик билан боғлиқ грантлар қўйилган. Кўпгина ривожланган мамлакатларда олий таълимни молиялаштиришда таълим кредитларининг ўрни катта бўлиб, бу тизимда давлат ҳам, хусусий сектор ҳам иштирок этади. Олий таълим тизими турли даражадаги бюджетлардан молиялаштириладиган давлатларда таълим кредитлари кенг оммалашган (масалан, Германия ва Швецция). Кўпгина ривожланган мамлакатларда таълимни кредитлаш тизими 1970-1980-йилларда ишлаб чиқилган ва жорий қилинган ва ҳозиргача ўзгаришларни бошдан кечирмоқда.

А.Мингат ва Таннинг олиб борган тадқиқотларига кўра, олий таълим тизимига йўналтириладиган молиявий ресурслар ҳажми давлатларнинг ривожланганлик даражасига мувофиқ эканлиги аниқланган. Масалан, кам даромадли мамлакатлар таянч таълимга эътибор қаратса, ўртача даромадли мамлакатлар ўрта махсус таълимга молиявий ресурсларни кўпроқ ёъналтиради. Ўз навбатида, юқори даромадли мамлакатлар олий таълимга жиддий эътибор қаратар экан.³⁶

Бизнингча, олий таълим тизимини молиялаштириш давлатларнинг иқтисодий тараққий этганлик даражасига бевосита боғлиқ, шу боисдан олий таълим тизимини молиялаштиришга бериладиган эътиборнинг нисбийлиги ўзининг юқори натижасини бериши мумкин.

Олий таълим тизимига молиявий ресурслар оқимини кўпайтириш муҳим аҳамият касб этиши борасида қатор таниқли олимлар ва тадқиқотчилар томонидан етарлича тадқиқотлар олиб борилган ҳамда масаланинг муҳимлиги асослаб берилган. Мамлакатда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда инсон омили ҳал қилувчи омилга айланиши мазкур масаланинг долзарб эканлигини кўрсатади. Зотан, иқтисодиётда ресурсларнинг чекланганлиги шароитида чексиз эҳтиёжларни таъминлаш жаҳон иқтисодий мактабларининг доимий диққат марказида бўлади. Агар инсон салоҳиятининг туганмас эканлиги инобатга олинса, ресурсларнинг чекланганлиги тўғрисидаги ғояни қайта кўриб чиқиш зарурияти туғилади. Олий таълим тизимини ривожлантиришда унинг таркибий бўғинларини такомиллаштиришнинг молиявий ва институтсионал жиҳатларига эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этади.

³⁶ Mingat A, Tan J. The Full Social Reeturns to Education: Estimates Based on Countries Economic Growth Performance//Human Capital development Working Paper 73/ World Bank, Washington, DC. 1996.

Хусусан, олий маълумотлилар ривожланаётган мамлакатларда банд аҳолининг 3 фоизига, саноати ривожланаётган мамлакатлар аҳолисининг 20 фоизига тенг бўлиб, инновацион иқтисодиётда уларнинг улуши 60 фоизни ташкил этмоқда, интеллектуал иқтисодиётда эса ушбу кўрсаткич 80 фоизга тенг бўлиши лозим³⁷. Бу эса, олий таълим соҳасига эътиборнинг қанчалик зарурлигини кўрсатади.

Жаҳон таълим тизимидаги замонавий тенденцияларга эътибор қаратилса, бугунги кунда Осиё модели ҳақида тобора кўпроқ қизиқишлар ортиб бормоқда. Шу билан бирга, олимлар ўзини намоён қила бошлаган Осиё таълим тизими Осиё мамлакатларига хос бўлган ва ушбу қитъадан ташқарида, хусусан, таълим тизимини бошқаришнинг институтсионал тузилмалари ва унсурларини узвий бирлаштирганини инкор этмайдилар.

Японияда, шунингдек, “Осиё йўлбарслари”нинг бошқа тўртта давлатида (Жанубий Корея, Тайван, Сингапур ва Гонконг) таълимнинг тузилиши ва мазмунига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур давлатларнинг жаҳон бозоридаги кучли ютуғи кўп жиҳатдан устувор ёъналишларни тўғри танлаши билан бевосита боғлиқ. Япония моделига мувофиқ мамлакат ҳудудининг кичиклиги шароитида ҳамда муҳим фойдали қазилмалар захираларининг амалда ёъқлигини инобатга олган ҳолда таълимга, хусусан, олий таълимга етарлича сармоя киритди. Бу эса ўз навбатида, фақат ўзининг интеллектуал қобилиятлари ва инновацион муносабати билан олий маълумотли шахс мамлакатларни қашшоқ ва техник жиҳатдан қолоқ мамлакатлар тоифасидан тез тараққий этган, “иқтисодий мўжиза”ни амалга оширишига сабаб бўлди. Кейинчалик ушбу моделни Малайзия, Хитой, Ҳиндистон, Туркия ва Осиёнинг турли хил табиий ресурслар салоҳиятига эга бошқа давлатлари ҳам ўз амалиётларида кенг жорий қилди.

Таълим ва у билан боғлиқ илмий-техника тараққиётида ижобий натижаларга эришишда, тадқиқотчилар таъкидлаганидек, миллий ва тарихий анъаналар, халқ менталитети муҳим ўрин тутди. Корея олий таълими бир вақтнинг ўзида тенглик ва элитистик тамойилларига таянади. Бир томондан, ҳукумат олий таълимга киришда “тенг имкониятлар” сиёсатини изчил ва онгли равишда олиб боради, бошқа томондан, Корея университетлари аниқ иерархик пирамидани шакллантиради, унда турли университетлар дипломларининг “котировкаси” амалга оширилади³⁸. Бундай мутаносиб ва пухта ўйланган таълим сиёсати ўзининг ижобий натижаларини бериб келмоқда. 2005 йилга келиб, Жанубий Кореяда 25-34 ёшдаги аҳолининг 97 фоизи олий маълумотга эга бўлган. Бу ишлаб чиқариш юқори

³⁷ G'ulomov S., Ochilov I., Saydaxmedov O. Intellektual iqtisodiyotda samaradorlik omillari//O'zbekiston iqtisodiy axborotnomasi jurnali.-Toshkent, 2015 -№6 –B38-41

³⁸ <https://iorj.hse.ru/2014-9-1/116274010.html>

даражада ривожланган барча мамлакатлар учун энг юқори кўрсаткичдир. Таққослаш учун, 1960 йилларда Жанубий Кореянинг миллий даромади Мексика ва Жанубий Кореяникидан паст эди. Америка ва Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг 30 та давлати рейтингда таълим даражаси бўйича Жанубий Корея энг орқада қолганлар қаторида эди. Муваффақият шундаки, мамлакат ўз аҳолисининг таълимга бўлган муносабатини ўзгартира олди ва талабнинг Ўсишига муносиб жавоб берди.

Японияда 25-65 ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳолининг 42 фоизида олий маълумот мавжуд. Бу мамлакатда ишлаб чиқаришни автоматлаштиришнинг юқори даражаси билан боғлиқ бўлиб, бу ишчи-ходимлардан юқори малакали тайёргарликни талаб қилади. Бугунги кунда Японияда 780 га яқин олий ўқув юртлари, жумладан, 624 та хусусий олий ўқув юртлари мавжуд бўлиб, уларда 2,5 миллионга яқин талаба таҳсил олади³⁹.

Япония олий таълим тизими парадоксал, сўнгги ўн йилликлардаги барча ўзгаришларга қарамай, у ҳали ҳам дунёдаги энг консерватив ва оригиналликни сақлаб қолмоқда. Аммо олий таълимда олиб борилган ислохотлар ва ёъналтирилган молиявий ресурсларнинг самарадорлиги орқали япон жамиятининг янгиланиши содир бўлди. Япония олий таълими ривожи ва бу соҳани молиялаштириш билан боғлиқ жараёнлар даврлаштирилганда XIX аср охирига келиб япон олий таълимига Ғарб моделининг асослари қўйилган ва таълим муассасаларининг анъанавий изоляцияси ва тўлиқ қарамлигига қарши ислохотлар олиб борилиши натижасида биринчи модернизатсия даври яқунланган. Ҳукумат томонидан 2001 йилда бошланган ислохотлар университетлар сонини кўпроқ автономияга эга бўлган университет корпоратсияларига бирлаштириш орқали қисқартиришдан иборат бўлган. Корпоратсиялар нафақат университетларнинг бинолари ва эрларига эгалик қилади, балки деярли тўлиқ автономияни ҳам олади. Бу, ислохотлар муаллифларининг фикрича, университетнинг диплом сифати учун масъулиятини ошириш билан бирга, раҳбариятни фан ва бизнес алоқаларини ўрнатишга қаратилган фаолиятни фаоллаштиришга ундайди. Корпорациялар ўзига хос дастурлар ва ўқув режалари яратишлари, ўзларининг университет хусусиятларини топишлари, эркинлаштириш ва диверсификация сиёсатларидан тўлиқ фойдаланишлари керак.

Хитой олий таълимда кўп босқичли юқори тизимни ишлаб чиқди. Охирги 5 йил ичида Хитойдаги олий ўқув юртлари сони қарийиб икки баравар кўпайди ва 2017 йилга келиб 2521 бирликни ташкил этди⁴⁰. Барча талабалар Хитойда ўқиш учун пул тўлашлари керак, стипендия

³⁹ https://www.unipage.net/ru/universities_japan

⁴⁰ https://www.unipage.net/ru/universities?country_

тизими мавжуд. Университет битирувчилари мустақил равишда ишга жойлаштирилади ёки аспирантурага ўқишга киради. Хитой университетлари талабаларни чет элга ўқиш ва амалиёт ўташ учун юбориши мумкин. Олий таълим кўлами бўйича Хитой дунёда биринчи ўринда туради. Британиянинг “The Times” нашри томонидан 2021 йилда дунёнинг энг яхши 200 та университети қаторига Хитойнинг 10 та университети киритилган. Пекин университети ушбу рўйхатда 57-ўринни эгаллади⁴¹. Таққослаш учун, Москва давлат университети ушбу рўйхатда 155-ўринни эгаллади. Хитой бизнес мактабларининг нуфузи ошди. Уларнинг энг яхшиси, Шанхай университети 2019 йилда “Финансиал Тимес МВА” рейтингда 22-ўринни эгаллаган. 2016 йилда ҳам у 21-ўринни эгаллаган, 2001 йилда эса у 100 таликка умуман кирмаган. Ислохотларнинг дастлабки беш йилида Хитой университетлари учун давлат томонидан молиялаштирилган маблағ икки баробардан кўпроққа ошиб, йилига 10,4 миллиард долларни ташкил этди. Кўшимча харажатларнинг бир қисми хорижда муваффақиятли мартабага эришган олимларни ватанига қайтаришга ёъналтирилди: муносиб иш ҳақи, ҳатто Америка стандартлари бўйича ҳам иш ҳақлари таклиф қилинди ва Ғарб меҳнат шароитларини яратди. Хитойдаги барча олий таълим муассасалари давлат томонидан бошқарилса-да, барча университетлар учун ягона дастур мавжуд эмас. Ҳар бир университет нафақат ўқитиш усулларини ишлаб чиқади, балки талабаларнинг муваффақияти ва ўқув фанларини ўқитиш сифати устидан назоратнинг ўзига хос шаклларини ўрнатган. Бир таълим муассасасида юзлаб турли мутахассисликлар бўйича мутахассислар тайёрланиши мумкин бўлган Европа ва Америка университетларидан фарқли ўлароқ, хитойликлар қатъий ихтисосликка эга: педагогик, техник, лингвистик ва бошқа олий ўқув юртлари мавжуд.

Бир неча йиллардан бери Болония дастури иштирокчиси бўлган Россияда олий таълим секин, лекин муваффақиятли ислох қилинмоқда. У эрда олий таълимнинг икки босқичли тизими Ўзбекистондагидан кечроқ жорий қилинган, бироқ бакалаврият ва магистратура босқичлари билан бир қаторда “сертификатланган мутахассис” даражаси ҳамон сақланиб қолмоқда.

Тўғри, Россиянинг энг элита университетларидан бири Москва давлат университети Болония жараёнини қўллаб-қувватламади ва бу, биринчидан, ушбу даражадаги университетлар жуда обрўли ва Европа инновацион тизимларидан фарқли ўлароқ, анъанавий “фундаментал таълим” позитсиясини ҳимоя қила олишининг кўрсаткичидир. Иккинчидан, бу таълимни бошқариш тизимининг либераллаштирилганидан далолатдир, бу эса таълим муассасаларига

⁴¹ <https://studyinchinas.com/ru/>

ўзи учун муҳим бўлган қарорларни қабул қилишда этарлича мустақиллик беради.

Бугунги кунда Россия Федератсиясида 1650 дан ортиқ олий ўқув юртлари мавжуд. Уларда 4 миллион 220 минг талаба таҳсил олмоқда⁴².

Фикримизча, Англосаксон таълим модели бизга анча қўл келади ва мавжуд ОТМларни бошқариш ва молиялаштириш самарадорлигини оширишда кўпгина жиҳатлари тўғри келади. Ўзбекистонда ОТМларни молиялаштириш тизимини такомиллаштиришда ушбу модел (ижтимоий-демократик модел)дан фойдаланиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Хулоса

Олий таълим самарадорлигини аниқлаш ва баҳолашга назарий ва услубий ёндашувларни умумлаштирган ҳолда, қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин.

1. Олий таълим тизимида ённалтирилаётган молиявий ресурсларнинг самарадорлиги борасида чуқур назарий-илмий, услубий ёналишларнинг ривожлантирилиши ҳамда олий таълимнинг оммавийлашувини таъминлаш, аҳоли кенг қатламларининг бу таълим хизматларидан фойдаланишларига кенг шароит яратиш муҳим.

2. Молиявий ресурслардан фойдаланишни такомиллаштириш ва сифат даражасини ошириш мақсадида дунёдаги энг илғор мамлакатлар билан тажриба алмашиш, глобал таълим жараёнларида фаол иштирок этиш, ўқитувчи ва талабалар олдида турган сунъий тўсиқларни бартараф этиш ҳамда Болония жараёнига қўшилиш бўйича ишларни охирига етказиш лозим.

3. Жаҳон тажрибасида кенг эътироф этилган англосаксон таълим тизимининг прагматик жиҳатларини сингдириб бориш, мустақил таълим олиш имкониятларини кенгайтириб боришга эришиш зарур.

4. Олий таълим тизимида молиявий ресурслар самарадорлиги тизимдаги бозор иқтисодиёти шароитида турли хил мутахассисларни тайёрлаш натижасида олинadиган фойда ва харажатларнинг тўғри пропорцияси (нисбати) сифатида аниқланиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. /Халқ сўзи, 2020 йил, 25 январь. -3 б.

2. Клочков В. В. Экономика образования: иллюзии и факты. М.: Мысль, 1985. 176 с. Маршалл А. Принципы экономической науки. –М.: Прогресс, 1993. с. 267., Salvatore D. International Economics. –London: Prentice - Hall, 2004. p. 840.

⁴² <https://tass.ru/obschestvo/>

3. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – М.: Соцэкгиз, 1962. с. 332., Рикардо Д. Начало политической экономии и налогового обложения. – М.: Прогресс, 1993. с. 292.,

4. С.Г.Струмилин. Методология оценки и повышения эффективности государственной системы высшего профессионального образования: Автореф. дис. докт.экон. наук (08.00.05). — СПб., 2002. — 41 с.

5. К.В.Якушева Методические рекомендации по расчету нормативов бюджетного финансирования образовательных учреждений. — М.: Новая школа, 1995. –64 с, Система финансирования образования: анализ эффективности / Под ред. С.А. Белякова. — М.: Технопечать, 2003. — 182 с. Х.Воссенштейн Финансовое напряжение: тенденции финансирования высшего образования и политический курс в ситуации ограниченных средств // Университетское управление: практика и анализ. 2003. № 3(26). – С. 51-60.

6. Ушбу олимларнинг ишлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар қисмида кўрсатилган.

7. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ 5847-сон фармонида.

8. Домбровский Р.Л. Организация управления функционированием и развитием сложных экономико-производственных объектов : дис. ... докт. экон. наук. - Львов, 1992. - 298 с.

9. [www.lex.uz](https://lex.uz/docs/5841063) миллий қонунчилик базаси. <https://lex.uz/docs/5841063>.

10. Ваҳабов А.В. Бозор муносабатлари тизимидаги ижтимоий фондлар. Монография. – Т.: Шарқ, 2003.

11. Ваҳабов А.В., Имамов Э., Солиев А., Туляходжаева М., Хусанова Н., Высшее образование в Центральной Азии. Задачи модернизации,-Т., 2007.

12. G‘ulomov S., Ochilov I., Saydaxmedov O. Intellectual iqtisodiyotda samaradorlik omillari//O‘zbekiston iqtisodiy axborotnomasi jurnali.-Toshkent, 2015 -№6 –B38-41

13. Абдурахмонов Қ.Х., Жумаев Н.Х. Человеческое развитие (автор. колл.). Учебник./Под общей редакцией – Т.: Фан ва технология, 2012. – 376 с.

14. Mingat A, Tan J. The Full Social Reeturns to Education: Estimates Based on Countries Economic Growth Performance//Human Capital development Working Paper 73/ World Bank, Washington, DC. 1996.

15. Абулқосимов Х.П., Алимова Г. Ўзбекистонда ижтимоий соҳа ривожланиши: эришилган натижалар ва истиқбол йўналишлар: 2013 й. Электрон манба: <http://www.biznesdaily.uz/ru/birjaexpert/15405-ozbkistonda-ijtimoiy-soha-rivojlanishi-erishilgan-natijalar-va-stiqbol-yonalishlar>

16. <https://iorj.hse.ru/2014-9-1/116274010.html>
17. https://www.unipage.net/ru/universities?country_
18. <https://studyinchinas.com/ru/>
19. <https://tass.ru/obschestvo/>
20. Азизова И.А. Натижага йўналтирилган бюджетлаштириш . – Тошкент, 2010.
21. <https://rudocs.exdat.com/docs/index-245551>
22. Europäische Kommission Soziale Sicherheit in Europa/ -Luxemburg, 1995.Hanesch W. Soziale sicherung im europaeschen Vergleich//Aus Politik und Zeitgeschichte –Bd/34-35/98-S-3-10
23. U. Burkhanov, Ruziev K. Higher Education Reforms in Uzbekistan: Expanding Vocational Education at the Expense of Higher Education?// Higher Education in Russia and Beyond, 2016. - №2(8)/Summer.
24. Дўстмуҳаммад Х.У. Халқ таълимини самарали молиялаштиришни ташкил этиш йўллари: и.ф.н. ... дис. автореф. – Т.: БМА, 2012. – 24 б.
25. Бекмуродов А.Ш. и автор. колл. Человеческое развитие. Учебник. – Т.: Фан ва технология, 2012. – 376 с.
26. Набиев Д.Х. Таълим соҳасидаги инвестицияларни молиялаштириш масалалари: и.ф.н. ... диссертация. – Т., 2005.
27. Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Молия: умумдавлат молияси. –Т.: Iqtisod-moliya, 2009. – 155 б.
28. Олимжонов О.О. Давлат молиясини самарали бошқаришда давлат бюджетини прогнозлаштиришнинг айрим жиҳатлари: Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. 2017 йил 12 апрел. – Б. 208-211.
29. С.Сафаев. Человеческое развитие: (автор. колл.). Учебник./Под общей редакцией– Т.: УМЭД, ПРООН, 2011. – 656 с.
30. А.А.Махмудов “Олий таълим муассасаларида молиявий ресурсларни бошқариш механизмини такомиллаштири” и.ф.н. PhD-диссертация, Т-2019.
31. З.Б.Кўзиёв, Таълим тизимида хизматлар ва тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини ошириш, и.ф.н. PhD-диссертация, С-2020.
32. А.Шеров. Олий таълим муассасалари молиявий барқарорлигини ошириш йўллари, и.ф.н. PhD-диссертация Т-2019.
33. Гулямов С.С., Романов А.Н., Алимов Р.К., Торопцов В.С., Ходиев Б.Ю., Алимов К.А., Бегалов Б.А., Григорьевич Д.Б., - Дистанционное экономическое образование, -Т., 2004.
34. Эргашев А.О. Таълим тизимининг иқтисодий бошқарув асосларини такомиллаштириш (ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими мисолида) Т., ТДИУ, 2006.
35. Худойкулов Х.Ж. Бошланғич синф ўқувчиларини тарбиялашда иқтисодга оид тушунчаларни шакллантиришнинг назарий ва амалий асослари. Т., 2008.

36. Ғуломов С., Очилов И., Сайдахмедов О. Интеллектуал иқтисодиётда самарадорлик омиллари//Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси журнали.-Тошкент, 2015 -№6 –Б38-41

37. Клочков В. В. Экономика образования: иллюзии и факты. М.: Мысль, 1985. 176 с

38. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. –М.: Соцэкгиз, 1962. с. 332.

39. Рикардо Д. Начало политической экономии и налогового обложения. –М.: Прогресс, 1993. с. 292.

Mehnat iqtisodiyoti va inson kapitali



+998 71 239 28 13

Tashkent, Uzbekistan

ilmiymaktab@gmail.com

www.laboreconomics.uz